

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**41-сон**  
**(801)**  
**2017 йил**  
**16 октябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

1061. «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон Фармони
1063. «Автомобиль йўллари кўприklarини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни куриш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 октябрдаги ПҚ–3309-сон қарори
1064. ««Ўзмелиомашлизинг» давлат унитар корхонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 октябрдаги ПҚ–3313-сон қарори

*Учинчи бўлим*

1065. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 810-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

1067. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи савдо вазирлигининг 2017 йил 14 сентябрдаги 01-02/12-35, 03/17-1092, 2017/09-14-сон «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида дастлабки қидирув ва уни ишлаши билан бирга «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокига нисбатан махсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2934*)

1068. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 18 сентябрдаги 131-сон «Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1813-2*)

1071. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/6-сон «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2696-1*)

1073. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/11-сон «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-8*)

1075. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/13-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-13*)
1078. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 11 октябрдаги 330-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2290-3*)
1079. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 28 августдаги 5-2017-сон «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2431-1*)
1081. Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2017 йил 22 сентябрдаги 3-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида (кўчирма)»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2878-2*)
1082. Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2017 йил 22 сентябрдаги 3-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида (кўчирма)»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2879-2*)
1083. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 13 октябрдаги 335-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 7 октябрдан 13 октябргача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **1061 Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда уларни етакчи кучга айлантириш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда зарур шарт-шароитлар яратилди.

Қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ернинг ҳақиқий эгаси сифатида фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида шаклланиши ва ривожланишини таъминлади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, фермер ва деҳқонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўтказилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди.

Шу билан бирга, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, тизимда бозор механизмларини жорий этишда, кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб боришда ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Хусусан:

биринчидан, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш мақса-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 10 октябрда эълон қилинган.

дида ташкил этилган Ўзбекистон фермерлари кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажара олмади;

иккинчидан, аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Узоқ йиллар фойдаланилмаётган томорқа ер эгаларининг ерга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш бўйича тизимли иш олиб борилмаяпти;

учинчидан, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ер майдонлари ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати лозим даражада ўрнатилмаган;

тўртинчидан, фермер хўжалиklarининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаяпти;

бешинчидан, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда зарур инфратузилмалар яратилмаган ҳамда соҳада бозор механизмлари етарли даражада шаклланмаган;

олтинчидан, аксарият фермер хўжалиklarининг бугунги молиявий аҳволи замонавий, ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги техника воситаларини харид қилиш, ишлаб чиқаришда илғор агротехнология, инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини бермаяпти;

еттинчидан, фермер, деҳқон хўжалиklари аъзолари ва томорқа ер эгаларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш тизими, шунингдек фермер хўжалиklарида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш мақсадида:

1. Қуйидагилар фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳозирги босқичдаги устувор йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

иккинчидан, фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан самарали фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва

масъулиятини ошириш, бу борада парламент, вакиллик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан тизимини яратиш;

учинчидан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

тўртинчидан, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш;

бешинчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш;

олтинчидан, «Томорқа — қўшимча даромад манбаи!» шиорини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш;

еттинчидан, ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фермер хўжаликларининг меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон фермерлари кенгаши конференциясининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон фермерлари кенгаши Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари сифатида қайта тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2018 йил ҳосилидан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

фермер хўжаликларининг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар чоракда халқ депутатлари туман Кенгашларида, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб борилади;

ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишигача бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига:

ҳудудларда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги шароитлари оғир бўлган туманларда, экин экиш аҳолини ҳар ойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ўрганиш ҳамда аниқланган муаммо ва камчи-

ликларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида амалий чоралар кўриш;

қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигининг халқ депутатлари туман Кенгашларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиниши аҳолини доимий равишда сенаторлар томонидан ўрганиш ҳамда ҳар чоракда Олий Мажлис Сенатининг мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда 2018 йил 1 октябрга қадар барча деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда уларнинг ягона реестрини шакллантирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда шакллантирилган ягона реестрнинг назорат ҳолатида юритилишини, ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва доимий равишда янгиланиб борилишини таъминласин.

6. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2018 — 2021 йилларда фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (З. Мирзаев, Ж. Қўчқоров) ҳар йили фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш бўйича фермер хўжаликлари кесимида ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқирилишини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида тасдиқланишини таъминласин, шунингдек ҳудудий дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидаги дастурларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов, З. Мирзаев):

икки ой муддатда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер хўжаликларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари лойиҳаларини киритсин;

уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва рентабеллигини оширишда, айниқса пахта йиғим-теримини механизациялаштиришда бозор инфратузилмаларини, инновацияларни, фан ютуқлари ҳамда замонавий аҳо-



рот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек соҳада меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда 2018 — 2020 йилларда республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

8. Деҳқончилик маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшган ва ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларига тақдим этиладиган «Илфор фермер», «Меҳнаткаш деҳқон» ва «Намунали томорқачи» кўкрак нишонлари таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «Илфор фермер», «Меҳнаткаш деҳқон» ва «Намунали томорқачи» кўкрак нишонлари тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сон «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазинининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 9 октябрь,  
ПФ-5199-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**1063** Автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида\*

Автомобиль йўллари кўприклари, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотлар қуриш тизимини янада такомиллаштириш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Кўприкқурилиш» трести» Унитар корхонаси (кейинги ўринларда — «Кўприкқурилиш» трести» УК деб юритилади) автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар (ёндашиш йўллари билан бирга 500 погон метрдан кўпроқ узунликда) ва бошқа сунъий иншоотларни эксплуатация қилиш бўйича ваколатли ташкилот этиб белгилансин.

2. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Кўприкқурилиш» трести» УК таркибида:

иккита ихтисослаштирилган филиал — автомобиль йўллари кўприклари, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотлар қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 1- ва 2-кўприк қурилиши отрядларини;

автомобиль йўллари, кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни эксплуатация қилиш бўйича минтақаларда таркибий бўлинмалари бўлган унитар корхона;

«Автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни лойиҳалаш институти» унитар корхонаси;

«Автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси» унитар корхонаси;

«Қурилиш сифати бўйича лаборатория» унитар корхонаси;

«Кўприкқурилиш» трести» УКнинг 13-кўприк қурилиш отряди ишлаб чиқариш негизида «Темир-бетон буюмлар ва бошқа конструкциялар тайёрлаш заводи» унитар корхонаси;

«Мехмост» АЖни қайта ташкил этиш йўли билан «Махсус темир-бетон буюмлар ва конструкциялар ишлаб чиқариш заводи» унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж. Раматов белгиланган тартибда «Кўприкқурилиш» трести» УКнинг ташкилий тузилмаси ҳамда ижро этувчи аппаратининг тузилмаси, шунингдек, унинг корхоналари ва филиалларининг тузилмалари тасдиқланишини таъминласин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 5 октябрда эълон қилинган.

## 4. Қуйидагилар:

а) автомобиль йўллари кўприklarини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича:

«Автомобиль йўллари кўприklarини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси» УК — буюртмачи этиб;

«Автомобиль йўллари кўприklarини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни лойиҳалаш институти» УК — бош лойиҳа ташкилоти этиб;

«Кўприкқурилиш» трести» УКнинг таркибий бўлинмалари — бош пудратчи ташкилотлар этиб белгилансин;

б) «Кўприкқурилиш» трести» УКга топширилаётган автомобиль йўллари кўприklари, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни эксплуатация қилиш, лойиҳалаш, мукамал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуришга:

умумфойдаланадиган автомобиль йўлларида жойлашган иншоотлар сарф-харажатларини молиялаштириш манбалари этиб — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (кейинги ўринларда — Республика йўл жамғармаси деб юритилади) маблағлари;

хўжалик автомобиль йўлларида, шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида жойлашган иншоотларнинг сарф-харажатларини молиялаштириш манбалари этиб — Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда автомобиль йўллари кўприklarини, йўл ўтказгичлар (ёндашиш йўллари билан бирга 500 погон метрдан кўпроқ узунликда) ва бошқа иншоотларни хатловдан ўтказиш ва улар эксплуатациясини давом эттириш учун «Кўприкқурилиш» трести» УКга босқичма-босқич топшириш жадваллари ишлаб чиқилиши ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

тасдиқланган жадвалларга мувофиқ хатлов ўтказиш, ягона электрон базани яратган ҳолда қабул қилинаётган автомобиль йўллари кўприklarининг, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларнинг тавсифномаларини ҳамда баланс жиҳатдан мансублигини аниқлаштиради, шунингдек, паспортлаштиришни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг устав капиталида давлат улушини кўпайтириш ҳисобига «Трансйўлқурилиш» ДУКнинг кўприк қурилиш техникасини иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича хўжалик юритиш ҳуқуқи билан «Кўприкқурилиш» трести» УКга топширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон темир

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

йўллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йилнинг 1 январига қадар муддатда ушбу соҳадаги жаҳон тажрибасини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда автомобиль йўллари кўприқларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича дастурни (кейинги ўринларда — Дастур), шунингдек, «Кўприққурилиш» трести»УКни модернизация қилиш ҳамда жиҳозлаш тадбирларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Қуйидагилар белгилансин:

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб «Минтақавий автомобиль йўллари ни ривожлантириш» ва «Минтақавий автомобиль йўллари ни ривожлантириш, 2-фаза» лойиҳалари бўйича Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда — АТБ) қарзининг қолган суммасини тўлаш Республика йўл жамғармаси зиммасига юкланади;

«Трансйўлқурилиш» ДУКнинг «Олти комплект ихтисослаштирилган мобиль асфальт-бетон комплексларини сотиш олиш» лойиҳаси доирасида кўрсатилган хизматлар учун Республика йўл жамғармаси олдидаги мажбурияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси корхоналарининг «Трансйўлқурилиш» ДУК олдидаги мажбуриятлари тўхтатилади;

«Кўприққурилиш» трести» УК, «Трансйўлқурилиш» ДУК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибий бўлинмаларининг беғараз топширилаётган ва қабул қилинаётган мулки бўйича, шунингдек, мазкур банднинг учинчи хатбошида кўрсатиб ўтилган мажбуриятларнинг тўхтатилиши бўйича бўшайдиган маблағлар юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқ, ижтимоий инфратузилмани ободонлаштириш ва ривожлантириш солиғи, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ажратмалар бўйича солиққа тортиш объектлари ҳисобланмайди;

«Кўприққурилиш» трести» УК ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида, шу жумладан беғараз асосда топширилаётган мулк қўшилган қиймат солиғи, юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқ, ижтимоий инфратузилмани ободонлаштириш ва ривожлантириш солиғи, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ажратмалар бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика йўл жамғармасининг 2018 йилги ва кейинги йиллардаги даромадлари ва харажатлари параметрларини шакллантиришда ушбу қарорнинг 8-бандида кўрсатилган лойиҳалар доирасида АТБнинг қарзларини тўлашга зарур маблағларни назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бир ой муддатда «Кўприққурилиш» трести» УКнинг буюртманомалари бўйича:

«Кўприққурилиш» трести» УКнинг янгидан ташкил этилаётган тарки-

бий бўлинмаларини жойлаштириш учун Тошкент шаҳрида зарур ҳудуди ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлган иккита маъмурий бино текин фойдаланиш ҳуқуқи билан берилишини;

«Кўприкқурилиш» трести» УКнинг минтақалардаги таркибий бўлинмаларини жойлаштириш учун зарур ҳудуди ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўлган бинолар текин фойдаланиш ҳуқуқи билан тақдим этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Норуда фойдали қазилмалари бўлган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензиялар бериш комиссияси (Ф.И. Ибрагимов), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Ф. Исломов) «Кўприкқурилиш» трести» УК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг буюртманомалари бўйича очиқ савдоларни ўтказмасдан, тўғридан-тўғри музокаралар асосида норуда ва инерт материаллар казиб чиқариш учун лицензиялар билан таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари «Кўприкқурилиш» трести» УК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг буюртманомалари бўйича норуда ва инерт материаллар казиб чиқариш учун ер участкалари ажратилишини таъминласин.

12. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссияси (Б.А. Ходжаев) «Кўприкқурилиш» трести» УКга ва унинг таркибий бўлинмаларига солиқлар бўйича бюджетга ва мажбурий тўловлар бўйича давлат мақсадли жамғармаларига қарзларни тўлаш бўйича бир йил кечиктириш муддатини берсин, шунингдек, 2017 йилнинг 1 сентябрь ҳолати бўйича қўшилган пеня ва жарималарни ҳисобдан чиқарсин.

13. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 июлига қадар муддатда автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва сунъий иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш, шунингдек, халқаро стандартларга мос келувчи технологиялар асосида темир-бетон буюмлар ва конструкциялар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар барпо этиш учун инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 4 октябрь,  
ПҚ-3309-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**1064 «Ўзмелиомашлизинг» давлат унитар корхонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Таъкидлаш лозимки, «Ўзмелиомашлизинг» ДУК томонидан 2008 — 2016 йилларда қурилиш ташкилотларига лизинг асосида мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга, сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланиш уюшмаси ва фермер хўжаликларига, шунингдек, бошқа ташкилотларга 2300 дона, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан — 2108 дона мелиоратив ва бошқа техника, машиналари, ускуналар ҳамда бошқа механизация воситалари етказиб берилди.

Лизинг асосида етказиб берилган мелиоратив ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва механизациянинг бошқа воситаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий сервис хизматлари кўрсатишни ташкил этиш учун 2012 йилда «Мелиомашлизингсервис» ШК «Ўзмелиомашлизинг» ДУК ташкил этилган.

Шу билан бирга худудларда лизинг техникасига талабни прогностлаштиришнинг таъсирчан тизими шакллантирилмаган, жойларда лизинг бўйича тақдим этилган мелиоратив техникадан фойдаланишда мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тезкор мониторинг ва талаб этилаётган самарадорлик таъминланмаган, мелиоратив ва бошқа техникани лизингга тақдим этишни молиялаштириш учун хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш бўйича имкониятлардан зарурлигича фойдаланилмапти.

«Ўзмелиомашлизинг» ДУК фаолиятини янада такомиллаштириш, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари, сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланиш уюшмалари ва фермер хўжаликлари, шунингдек, бошқа ташкилотларга замонавий мелиоратив ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва бошқа механизация воситаларини лизинг асосида етказиб беришни рағбатлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар «Ўзмелиомашлизинг» ДУКнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

биринчи, лизингга етказиб бериладиган мелиоратив ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари, сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланиш уюшмалари ва фермер хўжаликлари, шунингдек, бошқа ташкилотларга замонавий мелио-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 октябрда эълон қилинган.

ратив ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва бошқа механизация воситаларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

иккинчи, мелиоратив ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари, сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланиш уюшмалари ва фермер хўжаликлари, шунингдек, бошқа ташкилотларга замонавий мелиоратив ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва бошқа механизация воситаларини етказиб бериш;

учинчи, мелиоратив ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва бошқа механизация воситаларини харид қилиш учун мўлжалланган ресурсларни шакллантириш учун халқаро молия институтларини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзли асосда донорлар маблағларини жалб этиш;

тўртинчи, лизингга етказиб берилган мелиоратив ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва бошқа механизация воситаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий сервис хизматлари кўрсатишни ташкиллаштириш;

бешинчи, лизингга етказиб берилган мелиорация ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва бошқа механизация воситаларининг техник ҳолатини тизимли мониторинг қилиш, мақсадли ва самарали фойдаланилишини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев ва «Ўзмелиомашлизинг» ДУК ижрочи директори А.И. Сулаймонов зиммасига «Ўзмелиомашлизинг» ДУКга юклатилган вазифа ва фаолият йўналишларининг сифатли ва тўлиқ ҳажмларда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг аввал шакллантирилган 2 миллиард сўм миқдоридаги устав жамғармасини сақлаб қолган ҳолда, «Мелиомашлизингсервис» ШК «Мелиомашлизингсервис» МЧЖ этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки:

«Мелиомашлизингсервис» МЧЖнинг таъсисчиси этиб, «Ўзмелиомашлизинг» ДУК ҳисобланади;

«Мелиомашлизингсервис» МЧЖ «Мелиомашлизингсервис» ШКнинг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б.А. Ходжаев), Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Р.А. Гулямов) ва «Ўзмелиомашлизинг» ДУК (А.И. Сулаймонов) бир ой муддатда «Мелиомашлизингсервис» МЧЖнинг асосий маблағларини инвентаризациядан ўтказсин.

4. Қўйидагилар:

«Ўзмелиомашлизинг» ДУК ижро аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 33 нафардан иборат тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

«Ўзмелиомашлизинг» ДУК томонидан лизингга мелиоратив ва бошқа

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

техника, машиналар, ускуналар ва бошқа механизация воситаларини харид қилиш ва тақдим этиш тўғрисидаги низом 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. «Ўзмелиомашлизинг» ДУКнинг ижрочи директори:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

мавқеи, маиший таъминот шароитлари, тиббиёт ва транспорт хизматларини кўрсатиш жиҳатидан вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

6. Белгилансинки, мелиоратив ва бошқа техника, машиналар, ускуналар ва механизациянинг бошқа воситалари:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг талабномаларига кўра, Суғориладиган ерларни мелиоратив яхшилаш давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгаши (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан ҳамда унинг қарорлари асосида 10 йил муддатга қуйидаги шартларда лизингга берилади:

лизингга берилаётган техника нархининг 15 фоизи лизинг олувчининг шахсий маблағлари ҳисобидан аванс кўринишида тўланади;

лизингга берилаётган техника нархининг 85 фоизи Жамғарма томонидан унга қарз асосида тақдим этилаётган «Ўзмелиомашлизинг» ДУК маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бошқа сув хўжалиги ишлари бўйича фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг эксплуатация сув хўжалиги ташкилотлари учун лизингга берилаётган техника нархининг 100 фоизи Жамғарма томонидан унга қарз асосида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан «Ўзмелиомашлизинг» ДУК томонидан молиялаштирилади;

лизингга берувчининг даромади (маржаси) ставкаси лизинг шартномаси тузилган кунги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак;

б) «Ўзмелиомашлизинг» ДУКнинг (унга қарз асосида Жамғарма томонидан ажратиладиган маблағлардан ташқари) шахсий маблағлари ва бошқа жалб этиладиган маблағлар ҳисобидан тижорат шартларида 7 йил муддатга қуйидаги шартларда лизингга берилади:

лизинг олувчининг ҳисобидан — 30 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги аванс;

лизингга берувчининг шахсий маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган — 70 фоизгача бўлган маблағлар.

Бунда «Ўзмелиомашлизинг» ДУКнинг даромадлари (маржаси) ставкаси лизинг шартномасига кўра белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ўзмелиомашлизинг» ДУКнинг уставини тасдиқласин.

---

\* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.



8. «Ўзмелиомашлизинг» ДУК Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Жамғармани бошқариш бўйича департамент, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бир ой муддатда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири З.Т. Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 6 октябрь,  
ПҚ-3313-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**1065** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон Фармони)\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчқоров, Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б.А. Хўжаев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 9 октябрь,  
810-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 12 октябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 9 октябрдаги 810-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларида:

а) 4-банднинг «б<sup>1</sup>» кичик банди учинчи хатбошидаги «шартнома тузилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қиймати 150 минг АҚШ долларидан» сўзлари «600 млн сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари ва 50 АҚШ доллари» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 12,5 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 9-банднинг иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари ва 500 АҚШ доллари» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз икки баравари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорида:

а) 5-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Йиғимларни ундириш миллий валюта «сўм»да бевосита божхона постларида тижорат банклари томонидан тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича амалга оширилиб, олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг ҳисоб рақамларига жамғарма даромадларининг транзит ҳисоб рақамлари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 6-иловага қуйидаги мазмундаги 9-банд қўшилсин:

«9. Мазкур Низомда назарда тутилган тўловларни ундириш миллий валюта «сўм»да бевосита божхона постларида тижорат банклари томонидан тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича амалга оширилади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарорида:

а) 2-илованинг 13-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича эквивалентда 400 минг АҚШ долларини» сўзлари «1 600 млн сўмни» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 11-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича эквивалентда 400 минг АҚШ долларини» сўзлари «1 600 млн сўмга» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиесий ва ташқи иқтисодий хизматлари учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 2 октябрдаги 417-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошидаги «5000 АҚШ доллари» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 260 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Туркменистоннинг автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва транзит ҳаракатланганлиги учун йўл йиғимлари жорий этиш тўғрисида» 1999 йил 28 сентябрдаги 447-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 59-модда) 2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, Туркменистоннинг автотранспорт воситаларидан йиғим ундириш тўлов кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валюта «сўм»да бевосита божхона постларида амалга оширилиб, олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бўлимлари орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Чегарадош давлатларнинг юк автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди орқали ўтиши учун ягона йиғимлар белгилаш тўғрисида» 1999 йил 31 декабрдаги 552-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 12-сон, 72-модда) 3-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Қирғизистон Республикаси битта юк автотранporti воситаси ва автобусининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали кириб келиши ва ўтиши учун тўлов бевосита божхона постларида миллий валюта «сўм»да ундирилиши белгилаб қўйилсин.».

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига бўлишининг қўшимча шартлари тўғрисида» 2000 йил 12 январдаги 11-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 3-модда):

а) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар  
олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш шартномалари  
бўйича бир ойгача муддатга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига  
кирадиган битта автотранспорт воситасидан ундириладиган  
суғурта мукофотлари  
СТАВКАЛАРИ**

Т/р	Транспорт турлари	Суғурта жавобгарлиги миқдоридан суғурта мукофотлари ставкалари (фоизларда)	
		ЭКОИҲ 54 баравари (Қозоғистон Республикаси)	ЭКОИҲ 162 баравари (Туркменистон)
1.	Юк автомобиллари	1,0	2,5
2.	Автобуслар	0,8	2,0
3.	Енгил автомобиллар	0,5	1,5
4.	Тракторлар, комбайнлар ва бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар	0,4	1,0
5.	Мототранспорт	0,2	0,7
	Суғурта суммаси миқдори:		
	Қозоғистон Республикаси автотранспорти учун	мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун — ЭКОИҲ 20 баравари;	
		ўлим ҳолатига олиб келган зарарни қоплаш учун — ЭКОИҲ 30 баравари;	
	Туркменистон автотранспорти учун	мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун — ЭКОИҲ 50 баравари;	
		ўлим ҳолатига олиб келган зарарни қоплаш учун — ЭКОИҲ 100 баравари.	

*Изоҳ.*

*Йиғимлар тижорат банклари томонидан божхона постларида миллий валюта «сўм»да ундирилиб, маблағлар шартнома асосида суғурта ташкилотларининг ҳисоб рақамларига ўтказилади.»;*

б) 2-илованинг 8.3-банди биринчи хатбошидаги «бевосита божхона постларида эркин алмаштириладиган валютада» сўзлари «миллий валюта «сўм»да» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг матни куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Туркманистон автотранспорт воситаларидан ундириладиган  
МУҚОБИЛ ЙИҒИМЛАР**

(1 километр учун ЭКОИХ миқдорининг % да)		
	бензин	дизель ёқилғиси
а) юк автотранспорт воситалари — юк кўтариш имконияти:		
10 тоннагача	0,64	0,48
10 тоннадан 20 тоннагача	-	0,7
20 тоннадан ортиқ	-	0,86
б) автобуслар — ўриндиқлар сони:		
12 тадан кам	0,3	0,2
13 тадан 30 тагача	0,64	0,48
30 тадан ортиқ	0,86	0,86
в) енгил автомобиллар	0,3	0,2
г) мотоцикллар	0,2	-

*Изоҳ.*

*Йиғимлар бевосита божхона постларида жойлашган тижорат банклари томонидан миллий валюта «сўм»да ундирилиб, маблағлар божхона хизмати органлари шахсий газна ҳисобварақлари орқали Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилади.».*

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг учинчи шахслар олдида Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида» 2000 йил 18 февралдаги 59-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 2-сон, 9-модда):

а) 3-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«3. Белгилаб қўйилсинки, суғурта мукофотлари божхона постларида жойлашган тижорат банклари томонидан миллий валюта «сўм»да ундирилиб, маблағлар шартнома асосида суғурта ташкилотлари ҳисоб рақамига ўтказилади.»;

б) илованинг матни қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«

Т/р	Транспорт турлари	Суғурта жавобгарлиги ҳажмига нисбатан суғурта мукофотлари ставкалари (фоизлари)
		ЭКОИХнинг 162 баравари (Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси)
1.	Юк автомобили	2,5
2.	Автобуслар	2,0
3.	Микроавтобуслар	1,8
4.	Микроавтобуслар	1,5
5.	Тракторлар, комбайнлар ва бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмлар	1,0
6.	Мототранспорт	0,7

Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси автотранспор-ти учун суғурта суммалари миқдорлари:

ЭКОИХнинг 54 баравари — мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун;

ЭКОИХнинг 108 баравари — ўлимга олиб келган зарарни қоплаш учун.

*Изоҳ: йиғим миқдорини ҳисоблаш учун тўлов кунда белгиланган ЭКОИХ (энг кам ойлик иш ҳақи)нинг баравари қўлланилади.».*

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Тожикистон Республикаси юк транспорт воситалари ва автобусларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали ўтганлиги учун йиғимларни бирхиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 8 январдаги 11-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 3-модда):

а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «эркин муомаладаги валютада» сўзлари «миллий валюта «сўм»да» сўзлари билан алмаштирилсин.

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда йиғим ундириш божхона постларида жойлашган тижорат банк-лари томонидан тўлов кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк-ининг курси бўйича миллий валюта «сўм»да амалга оширилади»;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, Тожикистоннинг автотранспорт воситалари-дан йиғим ундириш божхона постларида жойлашган тижорат банклари то-монидан тўлов кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича миллий валюта «сўм»да амалга оширилиб, олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади».

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Афғонистон ҳудудига тижорат юклари-ни транспортда ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 январдаги 41-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 6-модда) 4-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Афғонистонга бораётган автотранспорт воситаларидан Ўзбекистон Рес-публикаси ҳудудига кириш ва транзит учун тўлов ундирилиши божхона постларида жойлашган тижорат банклари томонидан тўлов кундаги Ўзбе-кистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича миллий валюта «сўм»да маблағларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда амалга оширилади».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 мартдаги 153-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2004 й., 13-сон, 153-модда) билан тасдиқ-ланган Осие тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ички хўжалик дренажлари ва ирригация тизимларини тиклаш ҳамда мелиоратив қурилиш техникаси етказиб бериш учун инвестиция харажатларини қоплаш механизми тўғрисида вақтинчалик низомда:

а) илованинг 1.2-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«1.2. Таъмирлаш-тиклаш ишларининг (етказиб бериладиган техниканинг) умумий қиймати \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қилади»;  
(сумма сўз билан)

б) 2-илованинг учинчи хатбошидан ва 3-илованинг иккинчи ва тўртинчи хатбошилардан «минг АҚШ доллари» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларининг 20-бандидан «ёки тўлов кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эркин муомаладаги валютада» сўзлари чиқариб ташлансин;

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари ва тўловлари тўғрисидаги низомни ҳамда Патент божлари ва тўловлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 4-сон, 26-модда):

а) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ҳисоб рақамларига тушадиган патент божлари ва тўловлари маблағлари қўйидаги тартибда тақсимланади:

а) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушадиган маблағларнинг:

90 фоизи — Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига;

2 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тегишли ҳисоб рақамига;

8 фоизи — Агентликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ҳамда саноат ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш (маблағларнинг камида 50 фоизи) соҳасида халқаро ташкилотларда қатнашишда, шунингдек ходимларни моддий рағбатлантиришда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига;

б) Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушадиган маблағларнинг:

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадига;

80 фоизи — Агентликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ҳамда саноат ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш (маблағларнинг камида 50 фоизи) соҳасида халқаро ташкилотларда қатнашишда, шунингдек ходимларни моддий рағбатлантиришда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига ўтказилади»;

б) 1-илованинг 11-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:



«11. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар патент божларини ёки тўловларини миллий валютада тўлайдилар. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар божни ёки тўловни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича миллий валюта «сўм»да тўлайдилар».

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Мадрид Битимида доир Баённомага (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) мувофиқ белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказишда ундирилаётган яқка тартибдаги божларнинг ставкаларини белгилаш тўғрисида» 2006 йил 21 декабрдаги 263-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2006 й., 51-52-сон, 515-модда):

- а) 2-банднинг биринчи хатбошидан «валюта» сўзи чиқариб ташлансин;
- б) илова қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

*«Изоҳ.*

*Яқка тартибдаги божлар тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича миллий валюта «сўм»да ундирилади.»*

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2008 й., 26-27-сон, 251-модда):

- а) 1-банддаги «3 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг» сўзлари «12 млн сўм» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 4-илованинг 26-бандидан «ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мажбурий суғурта шартномаси тузилган кундаги курси бўйича белгиланади» сўзлари чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2008 й., 51-сон, 502-модда) 2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2. Белгилансинки, кирганлиги ва транзит ўтиши учун ҳар бир хорижий автотранспорт воситасидан олинган қўшимча йиғимни тўлаш Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида божхона постларидаги тижорат банклари томонидан тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича миллий валюта «сўм»да амалга оширилиб, олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари бўлимлари орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади».

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»

2008 йил 29 декабрдаги 284-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2008 й., 52-сон, 523-модда) 1-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчилари ўз маблағларининг ЭНГ КАМ МИҚДОРИ\*»**

<b>Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари</b>	<b>Ўз маблағларининг энг кам миқдори</b>
Инвестиция маслаҳатчилари	50
Трансфер-агентлар	100
Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари	250
Инвестиция воситачилари	250
Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдолари ташкилотчилари	1 000

(млн сўм)

\* Инвестиция фондлари ўз маблағларининг энг кам миқдори белгиланмайди.».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 июндаги 178-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Маҳсулот тақсимотида оид битимлар ва геология-қидирув ишлари олиб бориш тўғрисидаги битимлар доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишда танловлар ўтказиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 10-банддаги «йигирма беш минг АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлган» сўзлари «100 млн сўмдан кўп бўлмаган» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-бандининг биринчи хатбошидаги «йигирма беш минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган, бироқ юз минг АҚШ долларидан» сўзлари «100 млн сўмдан ортиқ бўлган, лекин 400 млн сўмдан кўп бўлмаган» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 16-банддаги «юз минг АҚШ долларидан» сўзлари «400 млн сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 67-бандда:

«а» кичик банддаги «юз минг АҚШ долларидан кўп бўлган, лекин ўн беш миллион АҚШ долларидан» сўзлари «60 млрд сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «ўн беш миллион АҚШ долларидан» сўзлари «60 млрд сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 74-банддаги «ўн беш миллион АҚШ долларидан» сўзлари «60 млрд сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 81-бандда:

«а» кичик банддаги «юз минг АҚШ долларидан» сўзлари «400 млн сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «юз минг АҚШ долларидан» сўзлари «400 млн сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 82-бандда:

«а» кичик банддаги «юз минг АҚШ долларидан» сўзлари «400 млн сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «юз минг АҚШ долларидан ошса, лекин бир миллион АҚШ долларидан» сўзлари «400 млн сўмдан ошса, лекин 4 млрд сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 83-банддаги «бир миллион АҚШ долларидан» сўзлари «4 млрд сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисида низом 12<sup>4</sup>-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қиймати 600 млн сўмдан кам бўлмаган янги қурилган кўчмас мол-мулкни ҳисоб-китобни банк ҳисобварақлари орқали амалга ошириб сотиб олганда ҳам амалга оширилади».

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 июндаги 169-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 6-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадий фильмларни кино ва видео тасвирга олиш тартиби тўғрисида низомнинг 20-бандидаги «200 АҚШ долларига тенг суммада (тўлов кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича)» сўзлари «800 минг сўм миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июндаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 6-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисида низомда:

а) 1-иловининг «Халқаро спорт мусобақалари ва ўқув-тренировка йиғинлари» устунидан «АҚШ долл.» кичик устуни чиқариб ташлансин;

б) 2-иловининг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«20\_\_ йил учун \_\_\_\_\_ бўйича спорт ва оммавий жисмоний тарбия  
(спорт турининг номи)

**тадбирлари календарь режасига киритиш учун  
ТАКЛИФЛАР  
(бюджетманомалар)**

Т/р	Тадбирнинг номи	Спорт тури, спорт турлари гуруҳи	Ўтказиш муддатлари	Ўтказиш муддатлари	Жами қатнашчилар сони	Шу жумладан:			Молиялаштиришга жами эҳтиёж, млн сўм (11 гуруҳ + 13 гуруҳ)	Шу жумладан:	
						спортчилар	тренерлар	бошқалар		бюджет маблағлари (млн сўм)	спорт федерациялари, ҳомийлар маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобига (млн сўм)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

».

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июлдаги 217-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 7-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун ҳар йиллик шартнома кампаниясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 39-сон, 450-модда) билан тасдиқланган Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисида низомга илованинг «Муассисларнинг устав жамғармасидаги улуши» устунидан «минг АҚШ доллари» кичик устуни чиқариб ташлансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкый ҳуқуқларни олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби тўғрисида низомга илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар  
(улушлар) ёки бошқа мулкый ҳуқуқларни олишга битимларни  
тузиш назорат қилинадиган молия ташкилотларининг молия  
бозоридаги активларининг жами баланс қийматлари  
МИҚДОРЛАРИ**

1 800 млрд сўм — банкларга нисбатан;

100 млрд сўм — суғурта компанияларига нисбатан;

12 млрд сўм — лизинг компанияларига нисбатан;

1,6 млрд сўм — нобанк кредит ташкилотларига ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиларига нисбатан».

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 декабрдаги 344-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 12-сон, 96-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга ва қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тартиби тўғрисида низомнинг 4-банди учинчи хатбошидаги «450 млн АҚШ доллари», «25 млн АҚШ доллари», «3 млн АҚШ доллари» ва «400 минг АҚШ доллари» сўзлари тегишли равишда «1 800 млрд сўм», «100 млрд сўм», «12 млрд сўм» ва «1,6 млрд сўм» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ–2085-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 25-модда):

а) 1-илованинг 6-банди иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг

ўн баравари, шунингдек 50 АҚШ доллари» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 12,5 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 7-банди иккинчи хатбошидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари, шунингдек 25 АҚШ доллари миқдорида» деган сўзлар «энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 3-бандидаги «100 АҚШ доллари» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ва уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 26 январдаги 11-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 1-сон, 3-модда):

а) 1-илованинг 12-бандидан « \_\_\_\_\_ АҚШ доллари» қатори чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 9-бандидан « \_\_\_\_\_ АҚШ доллари» қатори чиқариб ташлансин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2015 йил 15 сентябрдаги 266-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 9-сон, 82-модда):

а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «11 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг» сўзлари «44 млн сўм» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «10 минг АҚШ доллари» сўзлари «40 млн сўми» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «1 минг АҚШ доллари» деган сўзлар «4 млн сўми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

42-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«йўловчининг йўқолган, кам чиққан ёки шикаст етказилган (бузилган) мол-мулки қийматини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда — йўқолган, кам чиққан ёки шикаст етказилган (бузилган) мол-мулк вазнининг ҳар бир килограми учун 100 минг сўм миқдорида»;

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига иловадан «1 АҚШ доллари курси = \_\_\_\_\_ сўм» қатори чиқариб ташлансин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 11-сон, 100-модда) билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга рухсатнома олиш учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-банди биринчи хатбошисининг рус тилидаги матнида «в свободно конвертируемой валюте в размере, эквивалентном пятикрат-

ной сумме» сўзлари «в пятикратном размере» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 1 мартдаги 61-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 3-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Маҳсулот тақсмотига оид битимлар доирасида сотиб олинган ёки янги ташкил этилган мол-мулкни хорижий инвесторга бериш тартиби тўғрисида низомнинг 11-банди биринчи хатбошидаги «500 минг АҚШ долларида» сўзлари «2 млрд сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 30 августдаги 286-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 8-сон, 82-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзпахтаэкспорт» АЖ пахта толасини экспортга эркин айирбошланадиган валютада ва пахта толасини қайта ишлайдиган республика корхоналарига миллий валютада сотишни ҳар йили тасдиқланадиган пахта толасини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш балансининг параметрларига мувофиқ тўғридан-тўғри контрактлар бўйича ҳамда Ўзбекистон республика товар хомашё биржаси орқали амалга оширади»;

б) 1-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

12-банднинг биринчи хатбошидаги «эркин конвертация қилинадиган валютада» сўзлари «миллий валютада» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банддан «эркин конвертация қилинадиган валюта ҳисобига» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2-иловада:

1-банддаги «валюта майдони» сўзлари «савдо майдонлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Пахта толасини республика корхоналарига сотиш миллий валютада, хорижий харидорларга сотиш эса эркин конвертация қилинадиган валютада амалга оширилади. ЎзРТХБнинг биржа савдоларида савдо майдонлари орқали республика корхоналарига, хорижий харидорларга «Ўзпахтаэкспорт» АЖ ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари томонидан сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоблар ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади»;

18-банднинг иккинчи хатбошидаги «эркин конвертация қилинадиган валютада белгиланади» сўзлари «экспорт учун эркин конвертация қилинадиган валютада, республика корхоналари учун эса миллий валютада белгиланади» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг номида «валюта майдони» сўзлари «савдо майдонлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-илованинг 33-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов санасидаги курси бўйича миллий валютада» сўзлари «қонунчиликда ўрнатилган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 2-сон, 5-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 2-илованинг «Давлат рўйхатидан ўтказилганда божлар ва йиғимлар миқдорлари\*» устунининг 21-бандидаги «Энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари ва 500 АҚШ доллари миқдорида» ва «Энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари ва 250 АҚШ доллари миқдорида» сўзлари тегишли равишда «энг кам ойлик иш ҳақининг 32 баровари» ва «энг кам ойлик иш ҳақининг 16 баровари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-илованинг «Устав фондининг энг кам миқдори» устунда:

1-бандда «400 000 АҚШ доллари\*\*» сўзлари «1 600 млн сўм» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-бандда «150 000 АҚШ доллари\*\*» сўзлари «600 млн сўм» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 137-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 3-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристик (меҳмонхона) йиғимни ундириш тартиби тўғрисида низомда:

а) 2-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«туристик (меҳмонхона) йиғим — жойлаштириш воситалари томонидан хорижий фуқаролар ва Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлмаган, фуқаролиги бўлмаган шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизи миқдорида уларнинг жойлаштириш воситаларида яшаган ҳар бир куни учун ундириладиган йиғим. Тўлиқ бўлмаган яшаш куни учун туристик (меҳмонхона) йиғим тўлиқ яшалган кун миқдорида ундирилади»;

б) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Жойлаштириш воситалари:

фақат туристик (меҳмонхона) йиғимни ундиришдан тушадиган тушумни жамлаш ва уни кейинчалик Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш учун фойдаланиладиган, миллий валютадаги махсус ҳисоб рақамларни тижорат банкларида очишга;

меҳмонхона хизматларини кўрсатиш учун туроператорлик ва бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш чоғида тижорат банкларида очилган ва ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғимдан тушадиган тушумлар ўтказиладиган миллий валютадаги махсус ҳисоб рақамни шартнома реквизитларида алоҳида кўрсатишга;

меҳмонхона хизматларини кўрсатишда юридик ва жисмоний шахсларга тўлов учун ҳисоб (инвойс, квитанция, ҳисоб-фактура) ҳамда меҳмонхона хизматлари қиймати ва яшаган кунлари учун ундирилган туристик (меҳмонхона) йиғимнинг умумий миқдорини кўрсатган ҳолда меҳмонхона хизматлари кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисоб-фактура, бажарилган ишлар ва/ёки кўрсатилган хизматлар далолатномаси) беришга;

туристик (меҳмонхона) йиғим ундирилиши лозим бўлган, жойлаштириш воситаларида яшовчи жисмоний шахсларнинг сонини, уларнинг яшаш кун-



лари сонини ҳамда Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим бўлган миллий валютадаги миқдори ҳисобини юритишга;

жойлаштириш воситаларида яшовчиларнинг ҳисобини юритиш махсус электрон автоматлаштирилган дастурини қўллаган ҳолда туристик (меҳмонхона) йиғим ундирилиши лозим бўлган, амалда яшаётган жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни Қўмигага ўз вақтида тақдим қилишга;

Қўмигага тақдим қилинган маълумотларга мувофиқ, ўтган ой мобайнида уларга тушган туристик (меҳмонхона) йиғим миқдорини, шу жумладан вақтинча яшаш муддатлари кейинги ойга ўтадиган жисмоний шахслар бўйича ўтган ойдаги амалдаги яшаш кунлари учун тўлиқ ҳажмда Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ҳар жорий ойнинг 5-санасигача ўтказилишини таъминлашга мажбурдирлар. Бунда кўрсатилган муддатга жойлаштириш воситалари шахсий маблағлари ҳисобидан туристик (меҳмонхона) йиғим миқдорини жисмоний шахслардан тўлиқ бўлмаган ҳажмда (нотўғри) ундириш натижасида шаклланган қарздорликни тўлаб беради.

Низомнинг мазкур бандида кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши учун масъулият жойлаштириш воситаларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юкланади.»;

г) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Туристик (меҳмонхона) йиғим миқдори Жамғарма махсус ҳисоб рақамига ўз вақтида ёки тўлиқ ўтказилмаганлиги учун жойлаштириш воситалари кечиктирилган ҳар бир кун учун туристик (меҳмонхона) йиғим ўтказилмаган миқдорининг 0,05 фоизи, бироқ қарздорлик умумий миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар».

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 4-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларини ҳамда қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 52-бандида:

а) биринчи хатбошидаги «100 минг АҚШ долларига» сўзлари «400 млн сўмга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иккинчи хатбошидаги «300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларига» сўзлари «4 млн сўмдан 400 млн сўмга» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 июндаги 375-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 100-модда) билан тасдиқланган Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди саккизинчи хатбошидан «чет эл валютаси ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича миллий валютада» сўзлари чиқариб ташлансин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 391-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 106-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмакла-

шиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 12-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 февралдаги ПФ–4954-сон Фармони)» 2017 йил 7 июлдаги 472-сон қарорига 1-илованинг 1-банди «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 28-сон, 649-модда).

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 июлдаги 489-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 28-сон, 660-модда) билан тасдиқланган Халқаро йўлларда ташиш дафтарчасидан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида низомнинг 7-банди тўртинчи хатбошидаги «Кафолот бирлашмасига мурожаат қилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоблаганда йигирма минг АҚШ долларидан» сўзлари «80 млн сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 июлдаги 541-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 30-сон, 740-модда) билан тасдиқланган Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисида вақтинчалик низомнинг 14-бандидаги «эквиваленти 100 млн АҚШ доллари» сўзлари «400 млрд сўм» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 9 октябрдаги 810-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 28 июндаги 235-сон қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 35-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг

айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 8 январдаги 7-сон қарори иловасининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 2-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Авиаташув хизматларини амалга оширишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 1 августдаги 224-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 8-сон, 68-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон Фармони)» 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарори 1-иловасининг 113-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 11-сон, 79-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Авиаташув хизматларини амалга оширишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 1 августдаги 224-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2012 йил 19 декабрдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 88-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Авиаташув хизматларини амалга оширишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 1 августдаги 224-сон қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2013 йил 10 апрелдаги 102-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 4-сон, 25-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро авиаташув хизматлари кўрсатилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 28 июндаги 189-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 28-сон, 358-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Авиаташув хизматларини амалга ошириш тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2014 йил 20 мартдаги 67-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 27-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-398-сон қонунлари)» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарори 1-иловасининг 109-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 28-модда).

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР  
БЎЙИЧА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**1067** Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида дастлабки қидирув ва уни ишлатиш билан бирга «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокига нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2934*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги, «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПҚ–2948-сон «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида дастлабки қидирув ва уни ишлатиш билан бирга «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокига геология-қидирув ишлари олиб бориш ҳақида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 июндаги 333-сон «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида дастлабки қидирув ва уни ишлатиш билан бирга «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокига нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш чоралари ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи савдо вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида дастлабки қидирув ва уни ишлатиш билан бирга «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокига

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 11 октябрда эълон қилинган.

нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**М. ТОХИРИЙ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 14 сентябрь,  
01-02/12-35-сон

**Инвестициялар бўйича  
давлат қўмитаси раиси**

**А. АХМЕДХАДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 14 сентябрь,  
03/17-1092-сон

**Ташқи савдо вазири**

**Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 14 сентябрь,  
2017/09-14-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар  
бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо  
вазирлигининг 2017 йил 14 сентябрдаги  
01-02/12-35, 03/17-1092,  
2017/09-14-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё  
комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида  
дастлабки қидирув ва уни ишлатиш билан бирга «Ўзбекистон  
мустақиллиги» инвестиция блокига нисбатан маҳсулот  
тақсимотига оид битимни амалга ошириш доирасида  
Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали  
олиб ўтиладиган товарларнинг божхона  
расмийлаштируви тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги ва «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПҚ–2948-сон «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида дастлабки қидирув ва уни ишлатиш билан бирга «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокада геология-қидирув ишлари олиб бориш ҳақида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 июндаги 333-сон «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида дастлабки қидирув ва уни ишлатиш билан бирга «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокига нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш чоралари ҳақида»ги қарорига мувофиқ кўрсатилган Битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**ваколатли орган** — «Ўзбекнефтгаз» АЖ;

**Инвесторлар** — «Gas Project Development Central Asia AG» компанияси, «Altmax Holding Ltd» компанияси ва «Ўзнефтегазқазибчиқариш» АЖ, шунингдек уларнинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарлари;

**МТБ** — Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида дастлабки қидирув

ва уни ишлатиш билан бирга «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокига нисбатан 2017 йил 5 апрелдаги маҳсулот тақсимотига оид битим;

**нефть-газ маҳсулоти** — нефть-газ операцияларини амалга ошириш жараёнида аниқланган, қазиб олинган, тайёрланган, қайта ишланган ва (ёки) сақланган ҳамда тегишли етказиш жойига технологик йўқотишларни айириб ташлаган ҳолда етказилган нефть, табиий газ, конденсат, бошқа углеводород маҳсулотлари ва йўлдош маҳсулотлар;

**нефть-газ операциялари** — шартнома майдони ва шартномадан ташқари майдон доирасида геология-қидирув ишлари билан боғлиқ бўлган лойиҳалаштириш, товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш, ер қазрини геологик ўрганиш, шу жумладан қидирув (баҳолаш) қудуқларини бурғулаш, саноат конларини ободонлаштириш ва ишлатиш, қазиб чиқариш, барқарорлаштириш, тайёрлаш (шу жумладан табиий газни тайёрлаш), ажратиб олиш (шу жумладан, тайёр олтингугуртни олиш), қўзғатиш, дам бериб ҳайдаш, йиғиш, сақлаш, ортиш, юклар жўнатиш, қайта ишлаш, шартнома майдонида қазиб олинган углеводородлар ва олтингугуртни етказиш жойига етказиб бериш, шартнома майдонига нисбатан йўқ қилиш ва консервация қилиш операциялари бўйича фаолият, шунингдек мазкур операциялар билан беvosита боғлиқ бўлган ва МТБни бажариш доирасида ҳамда мақсадларида амалга ошириладиган бошқа фаолият;

**Оператор** — МТБда назарда тутилган ишларни бажаришни ташкил қилиш учун тузилган «Surhan Gas Chemical Operating Company» МЧЖ ХК;

**пудратчи** — Инвестор ва (ёки) Оператор билан МТБ бўйича нефть-газ операциялари билан боғлиқ бўлган товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома (контракт) тузган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс. Ушбу тушунча, пудратчи билан МТБ бўйича нефть-газ операциялари билан боғлиқ бўлган товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартномалар (контрактлар) тузилган иккиламчи пудратчиларни ҳам ўз ичига олади;

**товарлар** — Инвестор, Оператор, уларни МТБ бўйича нефть-газ операцияларини бажариш учун жалб қилинган пудратчилари томонидан олиб кириладиган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлар, ускуналар, моддий-техник ресурслар, транспорт воситалари ва бошқа кўчар мулк, шунингдек эҳтиёт қисмлар, жиҳозлар ва қисмлар, ЁММ (ёқилғи-мойлаш материаллари), нефть-газ операцияларини бажариш учун лойиҳа ва техник ҳужжатлар.

Мазкур Низомда алоҳида изоҳ берилмаган бошқа барча тушунчалар ушбу тушунчалар учун МТБда ва божхона қонунчилигида берилган маънони англатади.

2. Товарларни етказиб бериш (олиб кириш) шартномалари (контрактлари) экспорт мамлакатники каби импорт мамлакатнинг ҳам Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (бундан буён матнда ТИФ ТН деб юритилади) бўйича кодига шартли ҳаволага эга бўлиши мумкин.

ТИФ ТН бўйича якуний код келиб тушган товарни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш пайтида аниқланади.

Бунда, агар ТИФ ТН бўйича товарларнинг коди дастлабки олтита белги даражасида ўзгармаса шартномаларга ўзгартириш киритилмаган ҳолда божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

3. Иқтисодий сиёсат чоралари қўлланиладиган товарлар қонун ҳужжатларида ва МТБда белгиланган тартибда ва шартларда олиб кирилади.

4. Инвестор ва (ёки) Оператор ва уларнинг пудратчилари томонидан олиб кирилиб, эркин муомалага чиқаришга мўлжалланган ҳамда вақтинча олиб кириш режимига жойлаштирилиб, олиб чиқиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви МТБнинг 21-моддасига мувофиқ божхона тўловларини (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилган ҳолда амалга оширилади.

5. Инвестор ва (ёки) Оператор томонидан олиб кириладиган товарларнинг, шунингдек вақтинча олиб кириш режимига жойлаштирилиб, олиб чиқиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви пайтида берилган имтиёзлар ҳисобини юритиш учун божхона юк декларацияси (бундан буён матнда БЮД деб юритилади) божхона тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

6. Инвестор, Оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарларга нисбатан божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун Инвестор ва/ёки Оператор жавобгар бўлади. Бунда пудратчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга нисбатан божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун Инвестор ва/ёки Оператор ва пудратчи ўртасида тузилган шартномалар (контрактлар) шартларига мувофиқ пудратчи жавобгар бўлади.

7. Оператор нефть-газ операцияларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона омборини ташкил этиш ҳуқуқига эга.

## **2-боб. Эркин муомалага чиқариш учун мўлжалланган товарларни олиб кириш ва расмийлаштириш хусусиятлари**

8. Товарлар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) 5-бобига мувофиқ БЮД қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

24-графанинг чап кичик бўлмасида битимнинг коди «79» кўрсатилади;

37-графанинг охириги учта рақамига Товарларни олиб ўтиш хусусиятлари таснифлагичига асосан «062» коди кўрсатилади;

44-графада қуйидагилар кўрсатилади:

301 тартиб рақами ва «КНТ» ҳарфли коди остида — Оператор ва пудратчилар томонидан олиб кириладиган товарларга нисбатан тегишли шартноманинг (контрактнинг) рақами, санаси ва қиймати;



МТБнинг рақами ва санаси;

Инвестор ва (ёки) Оператор ва пудратчи томонидан олиб кирилаётган товарларга нисбатан Инвестор ва (ёки) Оператор хатининг рақами ва санаси.

9. Эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига мувофиқ божхона расмийлаштируви амалга оширилаётган товарларга нисбатан товарларни чиқариб юбориш (расмийлаштириш) мувофиқлик сертификати ва экологик сертификат мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни кейинчалик тақдим этилиши билан қўлланилиши мумкин.

10. Эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилган товарлар Инвестор ва (ёки) Оператор ёхуд пудратчининг аризасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига реэкспорт божхона режимида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 6-бобида белгиланган тартиб ва шартларга амал қилган ҳолда олиб чиқилиши мумкин.

11. Инвестор, Оператор ёки пудратчининг эркин муомалага чиқариш учун мўлжалланган товарлари божхона омбори божхона режимига жойлаштирилиши мумкин.

### **3-боб. Вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштириладиган товарларни олиб кириш ва расмийлаштиришнинг хусусиятлари**

12. Товарларни вақтинча олиб кириш божхона режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 11-боби асосида Инвестор ва (ёки) Оператор ёки пудратчининг аризасига мувофиқ амалга оширилади.

13. Товарлар вақтинча олиб кириш божхона режимига Инвестор ва (ёки) Оператор ёхуд пудратчи томонидан олиб кириш мақсадларига кўра кўрсатилган муддатга Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) 8-бобига мувофиқ БЮД қўйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

24-графанинг чап кичик бўлмасида битимнинг коди «79» кўрсатилади;

37-графанинг охириги учта рақамига Товарларни олиб ўтиш хусусиятлари таснифлагичига асосан «062» коди кўрсатилади;

44-графада қўйидагилар кўрсатилади:

301 тартиб рақами ва «КНТ» ҳарфли коди остида — Оператор ва пудратчилар томонидан олиб кирилаётган товарларга нисбатан тегишли шартноманинг (контрактнинг) рақами, санаси ва қиймати;

МТБнинг рақами ва санаси;

Инвестор ва (ёки) Оператор ва пудратчи томонидан олиб кирилаётган товарларга нисбатан Инвестор ва (ёки) Оператор хатининг рақами ва санаси.

14. МТБнинг бутун амал қилиш муддати давомида товарларнинг вақтинча олиб кирилишини БЮДда кўрсатилган дастлабки муддатидан кўпроқ

муддатга узайтириш Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 64-моддасига мувофиқ божхона органлари томонидан амалга оширилади.

#### **4-боб. Инвестор, Оператор ва пудратчиларнинг мажбуриятлари**

15. Инвестор, Оператор ва пудратчилар:

а) божхона органига олиб ўтилаётган товарларни кўрсатиш ва божхона органига уларни тегишли божхона режимида расмийлаштириш учун зарур ҳужжатларни тақдим этишга;

б) қонун ҳужжатларида белгиланган божхона йиғимларни тўлашга;

в) нефть-газ операцияларига мўлжалланган товарлар тасарруфдан чиқарилган ҳолларда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона тўловларини тўлашга;

г) вақтинча олиб кириш муддатлари тугаганида товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ёки уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа божхона режимига жойлаштиришга мажбур.

16. Ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган мажбуриятлар тузилган шартномалар асосида Инвестор, Оператор ёки пудратчилар, иккиламчи пудратчилар томонидан ваколат берилган шахслар томонидан бажарилиши мумкин.

#### **5-боб. Яқуний қоидалар**

17. Оператор, зарур ҳолларда, Инвесторларнинг топшириғига биноан ва ваколатли органнинг розилиги билан кернларнинг, қатлам суюқликлари намуналарини ва нефть-газ операциялар жараёнида олинган ахборот ва маълумот ҳужжатларини ишлов бериш, таҳлил қилиш ва ўрганишни амалга ошириш мақсадида тегишли божхона органларига ёзма мурожаат асосида Ўзбекистон Республикаси ташқарисига/ичкарисига олиб чиқиши/кириши мумкин.

18. Оператор, зарур ҳолларда, Инвесторларнинг топшириғига биноан ва ваколатли органнинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси ташқарисига/ичкарисига лойиҳавий, техник, ҳисоб ҳужжатлари, сейсмик ёзувлар маълумотларининг аслини ва бошқа геологик маълумотларни ишлов бериш, таҳлил этиш ва ўрганиш мақсадида олиб чиқиши/кириши мумкин. Оператор олиб чиқиб кетилган кўрсатилган ёзувлар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келишга мажбур.

19. Инвесторлар, Оператор, пудратчилар, иккиламчи пудратчилар, етказиб берувчилар ва бошқа шахсларнинг нефть-газ операцияларини МТБ бўйича бажариш учун жалб қилинадиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турар жойига эга бўлмаган ходимлари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ҳар қандай маиший буюмларни ва бошқа шахсий нарсаларни, шу жумладан мебель, маиший техника ва ҳоказоларни, ушбу

ходимлар ва уларнинг оила аъзолари томонидан фақат шахсий мақсадларда фойдаланиш шарти билан ҳеч қандай божхона тўловларисиз (божхона йиғимларидан ташқари) Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан қайтариб олиб чиқиб кетишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бундай буюмларга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона тўловлари ва солиқ солинишига олиб келади.

20. Мулк ҳуқуқи Инвестордан ва/ёки Оператордан Ўзбекистон Республикасига ёки у томондан ваколатли органга (ташкилотга) ўтганда, Инвестор, Оператор ёки пудратчи томонидан олиб кириладиган товарлар божхона тўловларидан озод қилинади.

21. Олиб кирилган товарлардан мақсадга номувофиқ фойдаланилган ҳолда, шу жумладан, улар тасарруфдан чиқарилганда, божхона органи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган барча божхона тўловларини ундиради.

22. Мазкур Низом «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва Оператор билан келишилган.

**«Ўзбекнефтгаз» АЖ**  
**бошқаруви раиси**

**А. СУЛТАНОВ**

*2017 йил 28 август*

**«Surhan Gas Chemical Operating**  
**Company» МЧЖ ХК Бош директори**

**А. ИГНАТОВ**

*2017 йил 28 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**1068 «Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1813-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ-2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 5 майдаги 47-сон «Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1813, 2008 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 193-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 18 сентябрь,  
131-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2017 йил 18 сентябрдаги  
131-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон «Суғурта хизматлари бозо-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 11 октябрда эълон қилинган.

рини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**».

2. Счётлар режасида:

0112, 0212, 0299, 0300, 0310, 0860, 0920, 4810, 7910, 9550, 010-сатрлардаги ва изоҳдаги «Узоқ муддатли ижара», «узоқ муддатли ижара» ва «узоқ муддатли ижарадан» деган сўзлар тегишлича «Молиявий ижара», «молиявий ижара» ва «молиявий ижарадан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4820, 6910, 9350, 001-сатрлардаги «Қисқа муддатли ижара», «қисқа муддатли ижара», «Қисқа муддатли ижарадан» ва «Қисқа муддатли ижарага» деган сўзлар тегишлича «Оператив ижара», «оператив ижара», «Оператив ижарадан» ва «Оператив ижарага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3. иловада:

2-банднинг «а» ва «е» кичик бандларидаги, 3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 11-банддаги, 14-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 24-банд жадвалининг 3, 9 ва 12-позицияларидаги, 25-банднинг биринчи, учинчи ва ўн иккинчи хатбошиларидаги, 29-банддаги, 32-банддаги, I бўлим 3-параграфининг номидаги, 34-банддаги, 39-банднинг биринчи хатбошиси ва «б» кичик бандидаги, 53-банд жадвалининг 5-позициясидаги, 68-банднинг еттинчи хатбошисидаги, 74-банддаги, 75-банднинг иккинчи хатбошиси ва «в» кичик бандидаги, 77-банднинг «б» кичик бандидаги ва «л» кичик бандининг учинчи хатбошисидаги, 85-банд жадвалининг 3 ва 4-позицияларидаги, 300-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 341-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 344-банд жадвалининг 1 ва 2-позицияларидаги, 419-банднинг биринчи хатбошисидаги, 420-банднинг тўртинчи хатбошисидаги, 429-банд жадвалининг 1, 7 ва 8-позицияларидаги, 450-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 455-банддаги, 458-банд жадвалининг 5-позициясидаги, 460-банднинг биринчи хатбошисидаги, 464-банд жадвалининг 2-позициясидаги ва VI бўлим 10-параграфининг номидаги «узоқ муддатли ижара», «Узоқ муддатли ижара» «Узоқ муддатли ижарага», «узоқ муддатли ижарага», «Узоқ муддатли ижарадан», «узоқ муддатли ижаранинг» ва «узоқ муддатли ижарасининг» деган сўзлар тегишлича «молиявий ижара», «Молиявий ижара», «Молиявий ижарага», «молиявий ижарага», «Молиявий ижарадан», «молиявий ижаранинг» ва «молиявий ижарасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-бандда:

биринчи хатбошидаги «қисқа муддатли ижара» деган сўзлар «оператив ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Узоқ муддатли ижара» деган сўзлар «Молиявий ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33-банднинг жадвалида:

6-позициядаги «(қисқа муддатли)» деган сўзлар «(оператив)» деган сўз билан алмаштирилсин;

7 ва 8-позицияларидаги «Узоқ муддатли ижара» деган сўзлар «Молиявий ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-позициядаги «узок муддатли ижарага» деган сўзлар «молиявий ижарага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

35-банддаги, 295-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 430-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 440-банд жадвалининг 5-позициясидаги, 474-банднинг биринчи хатбошисидаги ва VI бўлим 1-параграфининг номидаги «қисқа муддатли ижара», «Қисқа муддатли ижарага», «Қисқа муддатли ижарадан», «Қисқа муддатли ижара» ва «қисқа муддатли ижарага» деган сўзлар тегишлича «оператив ижара», «Оператив ижарага», «Оператив ижарадан», «Оператив ижара» ва «оператив ижарага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36 ва 37-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«36. Ижара ҳисоби Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сонли БХМС) «Ижара ҳисоби»га (рўйхат рақами 1946, 2009 йил 24 апрель) мувофиқ амалга оширилади.

37. Суғурталовчига молиявий ижара шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг дебети ва 6950 «Молиявий мажбуриятлар — жорий қисми» ҳамда 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счётининг кредитида акс этирилади.»;

38-банддаги «Узоқ муддатга ижарага» деган сўзлар «Молиявий ижарага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40 ва 41-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«40. Молиявий ижара шартномасининг шартларига мувофиқ (ёки ижарага берувчи ва ижарачининг қўшимча келишуви асосида) ижарага олинган асосий воситалар ижарачи корхонанинг мулкига ўтиши, ҳисобда асосий воситаларни ҳисобга олувчи (0100) счётларнинг тегишли счётлари дебети ва 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг кредитида тегишли асосий воситалар турлари бўйича ёзувлар амалга оширилади. Бир вақтнинг ўзида ушбу объект бўйича 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счётида ҳисоблаб борилган эскириш суммаси тегишли асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётларга (0200) ўтказилади.

Агар молиявий ижара шартномасининг тугаши билан асосий восита объектлари ижарага берувчига қайтарилса, у ҳолда ҳисобда 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счётининг дебети ва 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Агар ижарага олинган асосий воситалар молиявий ижара шартномасининг муддати тугашига қадар ижарага берувчига қайтарилса, у ҳолда ҳисобда 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг кредити ва 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» (ҳисобланган эскириш суммасига), 6950 «Молиявий мажбуриятлар — жорий қисми», 7910 «Тўланадиган мо-

лиявий ижара» (ижара тўловларининг қолдиқ суммасига) сўтларининг дебити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» сўти бўйича аналитик ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентарь объектлари бўйича юритилади.

41. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи сўтлар (0300)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сўтларнинг боғланиши	
		дебет	кредит
1.	Молиявий ижара шартномаси бўйича асосий воситаларнинг келиб тушиши	0310	6950 7910
2.	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг хусусий асосий воситалар таркибига ўтказилиши. Бир вақтнинг ўзида эскириш суммасининг ўтказилиши	0110 — 0190  0299	0310  0211 –0290
3.	Молиявий ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилган объектга ҳисобланган эскириш суммаси	0299	0310
4.	Молиявий ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилган объектлар бўйича молиявий ижара шартномаси бўйича тўланмай қолган қолдиқнинг: жорий қисмига узоқ муддатли қисмига	 6950 7910	 0310 0310
5.	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	 0310 8510	 8510 0310

»;

79-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«79. 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» сўти ижарага берувчи суғурталовчида мулкнинг молиявий ижара шартномаси бўйича муомалаларни ҳисобга олишда фойдаланилади.

Асосий восита объектларини молиявий ижара шартномаси бўйича беришда ижарага берувчи объектларнинг қийматини умумий тартибда ҳисобдан чиқаради. Бунда молиявий ижарага берилган асосий восита объектларининг қиймати ижарачи ва ижарага берувчи билан келишилган баҳода узоқ муддатли қисми 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» сўтининг дебетига, жорий қисми 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» сўтининг дебетига ва дебиторлик қарзининг жами суммаси 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» сўтининг кредитига ўтказилади.

9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» сўти бўйича кредитдаги сальдо (ижарага берилган асосий восита объектларининг ижарачи ва ижа-

рага берувчи томонидан келишилган баҳодаги қиймати билан бу объектларнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ) кечиктирилган фойда сифатида 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счётига узоқ муддатли қисми ва 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётига жорий қисми ҳисобдан чиқарилади.

Ижарага берилган асосий восита объектларининг ижарачи ва ижарага берувчи келишган баҳодаги қиймати билан ушбу объектларнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқнинг тегишли қисми ижара ҳақи келиб тушганда 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётидан 9550 «Молиявий ижарадан даромадлар» счётининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Ҳисобот йилининг охирида ижарага берувчи жорий йилда келиб тушадиган суммаларни 0920 «Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар» счётининг кредитидан 4810 «Молиявий ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар» счётининг дебетига ўтказади. Ижара ҳақининг келиб тушиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва 4810 «Молиявий ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Агар асосий воситалар объекти ижара муддатининг тугашига қадар ижарачининг мулкига ўтса, у ҳолда сотиб олиш баҳоси тўланган ижара ҳақини чегириб ташлаган ҳолда юқорида кўриб ўтилган ижара ҳақининг келиб тушишини акс эттириш тартибида сотиб олиш вақтида акс эттирилади.

0920 «Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ижара шартномаси бўйича юритилади.»;

170-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«170. 4220 «Хизмат сафарларига берилган бўнақлар» счётида суғурталовчи ходимларига хизмат сафарлари учун берилган бўнақлар ҳисобга олинади. Хорижга хизмат сафарига юборилаётган ходимга Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2730, 2015 йил 19 ноябрь) мувофиқ чет эл валютасида бўнақ берилади. Ушбу валютадаги бўнақ берилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий курси бўйича сўмга айлантирилади ва сўмда ҳисобга олинади. Хизмат сафарлари учун берилган ва сарфланган чет эл валютасининг ҳисоби алоҳида юритилади.»;

193-бандда:

биринчи хатбошидаги «узоқ муддатли ижара» деган сўзлар «молиявий ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Узоқ муддатли ижара» деган сўзлар «Молиявий ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Қисқа муддатли ижара» деган сўзлар «Оператив ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

194 ва 195-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«194. 4810 «Молиявий ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар» счётида шартномага мувофиқ молиявий ижара бўйича олинadиган ижара тўловларининг жорий қисми ҳисобга олинади. Ижара тўловлари жорий қисми-



нинг келиб тушиши 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

195. 4820 «Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар» счётида шартномага мувофиқ ижара бўйича олинадиган ижара тўловлари ҳисобга олинади. Ижара тўловлари ҳисобланганда 4820 «Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти 9350 «Оператив ижарадан даромадлар» счёти билан боғланган ҳолда дебетланади. Ижара тўловларининг келиб тушиши 4820 «Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар» счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.»;

199-банднинг «д» кичик бандидаги «хўжалик суди» деган сўзлар «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

202-банднинг жадвалида:

1-позициядаги «Узоқ муддатли ижара» деган сўзлар «Молиявий ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-позициядаги «Қисқа муддатли ижара» деган сўзлар «Оператив ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

296-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«296. 6910 «Тўланадиган оператив ижара» счётида суғурталовчининг оператив ижара бўйича ижарага берувчи олдидаги мажбурияти акс эттирилади. Ҳисобланган ижара суммаси 6910 «Тўланадиган оператив ижара» счётининг кредит томонида, ижарага берувчига тўланган сумма эса ушбу счётнинг дебет томонида акс эттирилади.

6910 «Тўланадиган оператив ижара» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир оператив ижара шартномаси бўйича алоҳида юритилади.»;

304-банд жадвалида:

1 ва 2-позицияларидаги «Қисқа муддатли ижара» деган сўзлар «Оператив ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-позициясидаги «Узоқ муддатли ижара» деган сўзлар «Молиявий ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

342-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«342. 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счётида ижарага олинган узоқ муддатли активлар учун ижарага берувчи билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Суғурталовчига келиб тушган узоқ муддатли активлар учун ижарага берувчи олдидаги қарзлар 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти билан боғланган ҳолда 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счётининг кредитида ҳисобга олинади.»;

357-банднинг олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта захираларидаги қайта суғурталовчиларнинг улушлари ҳисобот даври охирида суғурта захираларини мувофиқ равишда ҳисоблашда, Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1882, 2008 йил 15 декабрь) мувофиқ ҳисобланади.»;

380-банд жадвалининг 1 ва 2-позициялари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 1.	Резерв капитали ҳажмининг мулк қийматини қайта баҳолаш натижасида кўпайиши:		
	а) асосий воситалар;	0110 — 0199	8510
	б) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;	0310	
	в) ўрнатиладиган асбоб-ускуналар;	0710 — 0720	
	г) тугалланмаган қурилиш;	0810	
	д) узоқ муддатли инвестициялар	0610 — 0690	
2.	Мулкнинг қийматини ўтган қайта баҳолаш қийматининг оширилган миқдоригача камайтирилиши натижасида захира капиталининг камайиши:		
	а) асосий воситалар;		0110 — 0199
	б) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;	8510	0310
	в) ўрнатиладиган асбоб-ускуналар;		0710 — 0720
	г) тугалланмаган қурилиш;		0810

435-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«435. Мулкни оператив ижарага беришдан даромадлар 9350 «Оператив ижарадан даромадлар» счётининг кредитида 4820 «Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти билан боғланган ҳолда акс этирилади.»;

475-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Қисқа муддатли ижарага» деган сўзлар «Оператив ижарага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «Узоқ муддатли ижара» деган сўзлар «Молиявий ижара» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

476-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«476. 001 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счёти суғурталовчи томонидан оператив ижарага олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ижарага олинган асосий воситалар 001 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счётида шартномада кўрсатилган баҳода юритилади.

001 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ижарага берувчилар бўйича ва ҳар бир ижарага олинган асосий воситалар объектлари (ижарага берувчининг инвентарь рақамлари) бўйича юритилади.»;

485-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«485. 010 «Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» счёти молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага берилган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

010 «Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» счётидан молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар ижара муддатининг тугашида эгасига қайтарилганда ёки бошқа сабабларга кўра қайтариб олинган ёки шартнома муддати тугагандан кейин ижарачи сотиб олган вақтдан бошлаб ҳисобдан чиқарилади.

010 «Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар бўйича алоҳида асосий воситаларнинг ҳисоб инвентарь карточкалари бўйича юртилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**1071** Тижорат банкларида активлар сифатини тасниф-  
лаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар-  
ни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан  
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар  
киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2696-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сон қарори (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 23 сентябрь,  
26/6-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 11 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил  
23 сентябрдаги 26/6-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:  
еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
саккизинчи хатбоши еттинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.
2. 7-боб ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**1073** **Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сон қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 11 октябрда эълон қилинган.

лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 23 сентябрь,  
26/11-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил  
23 сентябрдаги 26/11-сон қарорига  
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. 2017 йил 1 октябрдан бошлаб микрокредит ташкилотлари устав фондининг энг кам миқдори 2,0 млрд сўм этиб белгилансин.».

2. 4-банд қуйидаги мазмунда баён этилсин:

«4. Фаолият кўрсатаётган микрокредит ташкилотлари 2019 йилнинг 1 январига қадар ўз устав фондларини мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган миқдорга етказишлари лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**1075** Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган  
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага  
ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-13*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 23 сентябрь,  
26/13-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 11 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил  
23 сентябрдаги 26/13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк  
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 29-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«29. Резидент банкларга чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлари банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган бошқа резидент тижорат банкларида очилади.»

2. 31-банднинг биринчи хатбошисидаги «ваколатли» деган сўз «тижорат» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 48-банднинг «б» кичик бандидаги «ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига, агар уларнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса,» деган сўзлар «тижорат банкидаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**1078 «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2290-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ва «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом ҳамда 2017 йил 8 февралдаги

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 12 октябрда эълон қилинган.

ПҚ–2761-сон «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 октябрь,  
330-мх-сон

*Келишилган:*

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги бош директори*

**Л. ТАНГРИЕВ**

*2017 йил 6 октябрь*

*Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш  
вазирлиги в. б.*

**Ш. ШЕРМАТОВ**

*2017 йил 6 октябрь*



Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2017 йил 11 октябрдаги  
330-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 264-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2290, 2011 йил 12 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон, 520-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2290-1, 2014 йил 12 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 8-сон, 83-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 июлдаги 199-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларининг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2290-2, 2014 йил 31 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 31-сон, 394-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**1079** Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2431-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 347-сон «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 20 июндаги 393-сон «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил 28 декабрдаги 508-сон буйруғи (рўйхат рақами 2431, 2013 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 9-сон, 120-модда) билан тасдиқланган Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 28 август,  
5-2017-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 16 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2017 йил 28 августдаги 5-2017-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида  
ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган  
маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банд «қабул квоталари доирасида» деган сўзлардан кейин «ҳамда қабул квоталаридан ташқари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 3-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хорижий фуқароларни Тошкент давлат юридик университетида ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 347-сон «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилади.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 10-банддан «(Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлмаган хорижий фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси банкларида чет эт валютасини миллий валютага айирбошлаганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат билан)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан моддий ёрдам сифатида талабаларини ўқитиш учун тўловлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.».

5. 22-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қўшимча оширилган тўлов-контракт асосида қабул қилинган абитуриентларнинг биринчи ўқув йили учун тўлови Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилади.».

6. 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Хорижий фуқароларни ўқитиш учун белгиланган тўловлар миллий валютада амалга оширилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловлар чет эл валютасида амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно.».

7. 24-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Оширилган тўлов-контракт миқдори Давлат комиссиясининг қарори ҳамда олий таълим муассасасининг абитуриентларни дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинган санадан қатъи назар, тўлиқ тўланади.».

8. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Талаба ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги, бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги ёки ўқитиш учун белгиланган миқдордаги тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги сабабли талабалар са-

фидан четлаштирилганда ёхуд белгиланган муддатларда фанларни ўзлашти-  
ра олмаганлиги (академик қарздор бўлганлиги) сабабли курсдан қолдирил-  
ганда олий таълим муассасаси томонидан унинг тегишли ўқув семестри учун  
амалга оширилган тўлови қайтариб берилмайди.»

9. 30-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарз-  
дор бўлган) талаба курсдан қолдирилганда тўлов миқдори ўқиши давом  
этадиган ўқув семестри учун амалга оширилади.»

10. 42-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг контракт шаклидан туш-  
ган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш Бюд-  
жет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сме-  
таси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тарти-  
би тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2634, 2014 йил 15 декабрь), шу-  
нингдек мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.»

11. 57-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг конт-  
ракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар смета-  
ларини тузиш Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг  
харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2634, 2014 йил  
15 декабрь), шунингдек мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.»

12. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Мо-  
лия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ма-  
даният вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ташқи ишлар  
вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмита-  
си, Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядор-  
лик жамияти ҳамда «Навой кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси  
билан келишилган.

*Молия вазири*

*Б. ХОДЖАЕВ*

*2017 йил 28 август*

*Халқ таълими вазири*

*У. ИНОЯТОВ*

*2017 йил 28 август*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*А. ШАДМАНОВ*

*2017 йил 28 август*

*Маданият вазири*

*М. МУРАТОВ*

*2017 йил 10 август*

*Жисмоний тарбия ва спорт  
давлат қўмитаси раиси*

*Р. КУРБАНОВ*

*2017 йил 28 август*

*Ташқи ишлар вазири*

*А. КОМИЛОВ*

*2017 йил 28 август*

*Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазири*

*З. МИРЗАЕВ*

*2017 йил 28 август*

*Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири в. б.*

*Ш. ШЕРМАТОВ*

*2017 йил 28 август*

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

*Б. ПАРПИЕВ*

*2017 йил 26 август*

*Марказий банки раиси*

*М. НУРМУРАТОВ*

*2017 йил 28 август*

*Ўзбекистон Бадий  
академияси раиси*

*А. НУРИДИНОВ*

*2017 йил 28 август*

*«Ўзбекистон темир йўллари»  
АЖ бошқаруви раиси*

*А. РАМАТОВ*

*2017 йил 28 август*

*«Навоий кон-металлургия  
комбинати» давлат корхонаси  
бош директори*

*Қ. САНАҚУЛОВ*

*2017 йил 28 август*

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНING  
ҚАРОРИ

**1081** Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\*

[Кўчирма]

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2878-2*

Мажлис кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасидан келиб чиққан ҳолда Республика кенгаши **қарор қилади:**

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПФ-5174-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2936-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3082-сон «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Кенгашнинг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2878, 2017 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 347-модда) 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош вазири,**  
**Кенгаш раиси**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 22 сентябрь,  
3-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 16 октябрда эълон қилинган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 22 сентябрдаги 3-сон қарорига 6-ИЛОВА

**Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 22-банднинг бешинчи хатбошисидаги «тайёрланади ва» деган сўзлар «тайёрланиб, бир иш кунни давомида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-иловада:

бешинчи хатбошидаги ««Давархитектқурилишназорат» инспекцияси» деган сўзлар «Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўздавбошдавқарантин» инспекцияси» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма тўртинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» деган сўзлар «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги йигирма саккизинчи, йигирма тўққизинчи ва ўттизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси ва туманлар (шаҳарлар) бош архитекторлари томонидан молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча қурилишларда, шу жумладан, яқка тартибдаги уй-жой қурилиш объектларида рухсат берилган ҳужжатлар мавжудлиги ва шаҳарсозлик норма ҳамда қоида талабларига риоя этилаётганлиги борасида субъектнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмасдан қисқа муддатли текширишлар ўтказилганда;

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари, пахта шроти ва шелухасига бўлган нархларни ошириш, уларни харид қилиш, етказиб бериш ва сотишда суиистеъмол қилинишлар ва коррупция ҳолатларини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув чора-тадбирлари олиб борилганда;

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан олиб борилган тезкор-қидирув чора-тадбирлари натижалари, хусусан, таҳлилий материаллар, текширув харидлари ёки назорат харидлари натижалари бўйича олинган товар ёки касса чеклари, шунингдек, қонун бузилишини тасдиқловчи чекларни бермаслик ҳолатларини аниқлаш, кейинчалик қонунбузарликнинг кенг миқёсини, нархларни ошириш усуллари ва меха-

низмларини аниқлаш учун молия-хўжалик фаолияти юзасидан текшириш ўтказилганда.»;

йигирма саккизинчи хатбоши ўттиз биринчи хатбоши ҳисоблансин.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ  
ҚАРОРИ

**1082 Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартиб-  
даги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни  
мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\***

**[Кўчирма]**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2879-2*

Мажлис кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасидан келиб чиққан ҳолда Республика кенгаши **қарор қилади:**

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 1 июндаги ПФ–5067-сон «Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2017 йил 23 июндаги ПҚ–3082-сон «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Кенгашнинг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2879, 2017 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 16 октябрда эълон қилинган.



2017 й., 19-сон, 348-модда) 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Бош вазири,**

**Кенгаш раиси**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 22 сентябрь,  
3-сон

Назорат қилувчи органлар фаолиятини  
мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг  
2017 йил 22 сентябрдаги 3-сон қарорига  
7-ИЛОВА

**Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги  
тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш  
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 15-банднинг бешинчи хатбошисидаги «тайёрланади ва» деган сўзлар «тайёрланиб, бир иш куни давомида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. иловада:

олтинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

саккизинчи — ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар ҳисоблансин;

еттинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси ва туманлар (шаҳарлар) бош архитекторлари томонидан молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча қурилишларда, шу жумладан, якка тартибдаги уй-жой қурилиш объектларида рухсат берилган ҳужжатлар мавжудлиги ва шаҳарсозлик норма ҳамда қоида талабларига риоя этилаётганлиги борасида субъектнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмасдан қисқа муддатли текширишлар ўтказилганда;»;

ўнинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» деган сўзлар «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жинойӣ даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан ижтимоӣ аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари, пахта шроти ва

шелухасига бўлган нархларни ошириш, уларни харид қилиш, етказиб бериш ва сотишда суниестемол қилинишлар ва коррупция ҳолатларини аниқлаш бўйича тезкор-қидирув чора-тадбирлари олиб борилиши.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**1083 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 16 октябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 13 октябрь,  
335-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2017 йил 13 октябрдаги  
335-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни  
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 68-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«68. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари ва тармоқлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети масалалари билан боғлиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, ташқи савдо билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги билан, инвестициялар билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан, ташқи сиёсий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилиши лозим.».

2. 69-банддаги «Мехнат вазирлиги» деган сўзлар «Бандлик ва мехнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 70-банддаги «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Қуйидаги мазмундаги 71<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«71<sup>1</sup>. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилиши шарт.».

5. 125-бандда:

биринчи хатбоши «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»,» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан» ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида».

6. 126-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«126. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларига ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида жойлаштирилиши шарт.».

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2017 йил 7 октябрдан 13 октябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 7 октябрдаги 94-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1349-9.**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи савдо вазирлигининг 2017 йил 14 сентябрдаги 01-02/12-35, 03/17-1092, 2017/09-14-сон «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятида газ-кимё комплексини қуриш, «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конида дастлабки қидирув ва уни ишлатиш билан бирга «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокига нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2934.**

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 18 сентябрдаги 131-сон «Суғурталовчилар молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1813-2.**

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 20 сентябрдаги 132, 271-V-1, 110-сон «Ун ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бойитилган унни сотишдан тушган маблағларининг бир қисмини аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1522-1.**

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2017 йил 21 августдаги 25, 38, 8, 99-сон «Давлатга етказилган зарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг 17-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1593-1.**

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/6-сон «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2696-1.**

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/8-сон «Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1497-2.**

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/11-сон «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-8.**

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/12-сон «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-8.**

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/13-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-13.**

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 28 сентябрдаги 01/16-2-10/23-сон «Тугатиладиган корхонанинг мол-мулки ва мажбуриятларини инвентаризация қилишни ташкил этиш ҳамда уларнинг

қийматини аниқлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 887-6.**

12. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 28 сентябрдаги 01/16-2-10/24-сон «Корхоналарнинг санацияси жараёнини мониторинг қилиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2017 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 485-3.**

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 11 октябрдаги 330-мқ-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2017 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2290-3.**

14. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 28 августдаги 5-2017-сон «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2017 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2431-1.**

15. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 28 августдаги 6-2017-сон «Олий таълим тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2017 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1222-3.**

16. Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2017 йил 22 сентябрдаги 3-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида (кўчирма)»ги қарори.

**2017 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2878-2.**

17. Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2017 йил 22 сентябрдаги 3-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғри-

сидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида (кўчирма)»ги қарори.

*2017 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2879-2.*

18. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 13 октябрдаги 335-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2017 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-4.*

### *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2290, 2011 йил 12 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2290-1, 2014 йил 18 февраль), (рўйхат рақами 2290-2, 2014 йил 31 июль).

*Адлия вазирининг 2017 йил 11 октябрдаги 330-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**